

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

45. Mirzaliyev U.B. Xasanov M.M. O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVLAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI ISHLAR VA ISLOHOTLAR.....	362
46. Муминов А., Норов Ш. ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛИЁТ.....	367
47. Норқўчқаров Х. Э., Мансуров У.Ж. АФФОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ).....	373
48. Мўминова Г.Э. ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....	379
49. Муталлибжонов М.М. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ.....	387
50. Нафиддинова Х.Р. БУХОРО ТҶЙ-ҲАШАМЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН.....	392
51. Норматов О. ЎРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР....	398
52. Нурматова М.М. ЖУРЖИЙ ЗАЙДОННИНГ "ФАРҒОНА КЕЛИНИ" РОМАНИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ.....	405
53. Пардаев А.А. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (1989-2019 ЙИЛЛАР).....	410
54. Примова Ф.А. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	416
55. Расулов А.М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	424
56. Расулов Ҳ.М. ШАРҚ ВА ҒАРБ: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ КОМПОНЕНТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ.....	429

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 57.Рахматова Н.М.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ
90-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....437
- 58.Рузматова Ш. А.**
XVII АСР ОХИРИ XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРФОНА
ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР....444
- 59.Samatova F.N., Qurbonov B.G', Mahmudova N.**
O'ZBEKISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN
SHANXAY NAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDAGI ALOQALARI.....452
- 60.Саттаров А.М.**
1946-1990 ЙИЛЛАРДА МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ТАРИХИДАН..... 462
- 61.Тажимирзаев Э.**
АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРДА ФАРФОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ
АҲОЛИСИ ОРАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ
ТАРҚАЛИШИ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ
(1960-1970 ЙИЛЛАР).....469
- 62.Топилдиева М.Р.**
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАШКИЛ
ТОПИШИ ТАРИХИ.....476
- 63.Тошпўлатов Б.Ш.**
XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....484
- 64.Ўлжаева Ш.М., Тошпўлатова Н., Сурождинова М.**
АМИР ТЕМУРНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ВА МАҲАЛЛИЙ
ҲУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАГАН ҲАРБИЙ ҲИЙЛАЛАРИ
("ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"МИСОЛИДА).....491
- 65.Тоштемирова Н.Д.**
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....496
- 66.Турсунов А.А., Хамзаева Г.Н., Обидова О.А.**
МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТУРАНИНГ "МУНТАХАБ
АТ-ТАВОРИХ" АСАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....502

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Саттаров Акрам Мадаминович,
Андижон давлат тиббиёт институти
Ижтимоий-гуманитарфанлар кафедраси
катта ўқитувчиси tadqiqotchisattarov@mail.ru

1946-1990 ЙИЛЛАРДА МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ТАРИХИДАН

For citation: Sattarov Akram Madaminovich. FROM THE HISTORY OF MIRZACHULS DEVELOPMENT AND MOVEMENT OF THE POPULATION OF FERGANA VALLEY IN 1946-1990. Look to the past. 2020, SI, pp. 462-468

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-60>

АННОТАЦИЯ

Мақолада 1946-1990 йилларда Фарғона водийси аҳолисини янги ерларни ўзлаштирилиши натижасида кўчирилиши масалалари ёритилган. Жумладан, Мирзачўлни ўзлаштиришда Фарғона водийси аҳолисини кўчириш тадбирлари ва юзага келган муаммолар архив материаллари ва илмий адабиётлар асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: аҳолини кўчириш, аҳоли сони, чўл, пахта яккахокимлиги, Мирзачўл, Фарғона водийси, совет ҳукумати, ўзлаштириш, хўжалик, чўлқувар, совхоз.

Саттаров Акрам Мадаминович,
Андижанский государственный медицинский институт
старший преподаватель кафедры общественно-гуманитарных
наук tadqiqotchisattarov@mail.ru

ИЗ ИСТОРИИ ОСВОЕНИЯ МИРЗАЧУЛЯ И ПЕРЕСЕЛЕНИЕ НАСЕЛЕНИЯ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ В 1946-1990 ГОДАХ

АННОТАЦИЯ

В статье описываются вопросы переселения населения Ферганской долины с

1946 по 1990 год в результате освоения новых земель. В том числе, на основе архивных материалов и научной литературы анализированы мероприятия по переселению населения Ферганской долины в Мирзачуль и возникшие в ходе проблемы

Ключевые слова: переселение, численность, пустыня, хлопковая монополия, Мирзачуль, Ферганская долина, советское правительство, освоение, хозяйство, целинников, совхоз.

Sattarov Akram Madaminovich

Andijan State Medical Institute

Senior Lecturer, Department of Social Sciences tadqiqotchisattarov@mail.ru

FROM THE HISTORY OF MIRZACHULS DEVELOPMENT AND MOVEMENT OF THE POPULATION OF FERGANA VALLEY IN (1946-1990 YY)

ABSTRACT

The article describes the issues of the resettlement of the population of the Ferghana Valley from 1946 to 1990 as a result of the development of new lands. In particular, on the basis of archival materials and scientific literature, measures were analyzed for the resettlement of the population of Ferghana Valley in Mirzachul and the problems encountered

Index Terms: resettlement, population, desert, cotton monopoly, Mirzachul, Ferghana Valley, Soviet government, development, household, worker on virgin lands, state farm.

Долзарблиги. Бугунги кунда Ўзбекистон тарихини ҳолисона, илмий асосда ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида таъкидлаб ўтганидек, "миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизни қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлар фаолиятини ҳар тамонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо албатта ҳолисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур."

Ўзбекистон тарихини ўрганишда Совет даври тарихини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда советлар ҳукумати Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини илгариги йиллардагидек фақат пахтачиликни ривожлантиришга эътибор қаратди. Совет ҳукумати пахтачиликни ривожлантиришда Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштириш масаласи юзага келди. Пахта экиладиган майдонларни йилдан-йилга кўпайиб боришини қуйидаги рақамлардан кўришимиз мумкин. "Агар 1940-йилда -923,5 минг гектар ерга чигит қадалган бўлса, бу кўрсаткич 1960 йилда -1386, 6 минг, 1970 йилда 1709,2 минг, 1980 йилда -1877,7 минг ва 1987-йилда эса 2107,7 минг гектарга тенг бўлди. Демак пахта экиладиган майдонлар 1987-йилда 1 миллион 184,2 минг гектарга ёки икки баробар зиёдрокдан кўпайди." [1, Б.387]

1956 йил 6 августда "Ўзбекистон ССРнинг Мирзачўл дашти ва Қозоғистондаги қўриқ ерларни ўзлаштириш ва сув чиқариш тўғрисида" ги фармондан сўнг

пахтачиликка ихтисослашган хўжаликлар кенг миқёсда ташкил этила бошланди. 1962 йилда 300 минг янги ерлар ўзлаштирилди, 34 та пахтачиликка ихтисослашган хўжалик тузулди. Бу йўналишдаги ишларни ташкил этиш ва тезлаштириш мақсадида Ўрта Осиёда янги тузулган хўжаликлар қурилиши ва суғориш тизими Бош бошқармаси бўлган "Главсередазирсовхозстрой", "Узглавводстрой", "Узбекгидрострой" каби тузилмаларни ўз ичига олган "Главголодностепстрой" трести ташкил этилди. Мирзачўл билан бир қаторда марказий Фарғона чўли, Қарши, Шеробод даштларини ҳам ўзлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Мирзачўлнинг 1956 йилдаги 1.5 миллионлик аҳолиси бу даврда 2 миллионга етди. [2] Ўзлаштирилган ерларда янги хўжалиги районлари ташкил этилди, янги шаҳарлар вужудга келди. Мирзачўлни ўзлаштирилган ерларида Пахтакор, Иьлич, Дўстлик, Арнасой, Оқолтин, Мехнатобод районлари ташкил топди. Янгиер, Гулустон, Пахтакор, Дўстлик, Ширин, Бахт ва бошқа бир қатор шаҳарлар қад кўтарди. Ташкил этилган районларда пахта хом-ашёсини етиштиришда ишчи кучини таъминланиши аҳоли зич бўлган худудлардан аҳолини кўчириш тадбирлари ташкил этилди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган. Мавзунинг айрим қирралари алоҳида тадқиқотларда акс этган бўлиб, яхлит тарзда илмий ўрганилмаган. Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши тарихи анча илгарига бориб тақалади. Россия империяси, советлар ҳукмронлигининг дастлабки ўн йилликлари ҳамда иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Мирзачўлни ўзлаштириш бўйича йирик тадбирлар амалга оширилган бўлиб, ушбу жараёнлар қатор адабиётлар ва тадқиқот ишларида албатта акс этган. Гарчи улар бошқа хронологик даврни қамраб олсада, ўрганилаётган давр ва у билан боғлиқ мавзуни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, моҳиятини чуқурроқ тушиниб етишга ёрдам беради. З.Қ. Аширбоеванинг[3] тадқиқот ишида Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши тарихи янги тафаккур руҳида, янгича ёндашув ва методология асосида комплекс равишда ўрганилган. Бироқ 1946-1990 йилларда Фарғона водийси аҳолисини янги ерларни ўзлаштириш мақсадида аҳолининг кўчирилиши даврий чегараланишидаги фарқлар туфайли унда акс этмайди. Б.Н.Батирова[4] тадқиқот ишида 1926-1941 йилларда Ўзбекистонда ўтказилган советларнинг аҳолини кўчириш сиёсати масалалари ёритилган. Ҳ.О.Хушвақтов[5] 1946-1970 йилларда Мирзачўлни ўзлаштириш учун аҳоли кўчирилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи мавзусида тадқиқот иши олиб борган.

3. Тадқиқот натижалари:

Совет ҳокимиятининг "мажбурий-ихтиёрий" тамойилига асосланган кўчириш сиёсати негизида Мирзачўлга янги ер ўзлаштириш учун кўплаб оилаларни кўчириш ҳам изчил давом эттирилди. Дастлаб Мирзачўлга Фарғона водийсидан Андижонликларни кўчирилиши 1930 йиллардан авж олган бўлиб, шу йилнинг 13 январида Ер ишлари халқ комиссарлигининг кўчириш бўлими томонидан Андижон округ ер бўлимига шаҳар атрофидаги районлардан 700 хўжаликни Мирзачўл районунига кўчириш ҳақида буйруқ берилади. [4, Б.44]

1956-1959 йилларда доимий яшаш учун 42 минг оила кўчирилди, бироқ 1959 йилга келиб улардан атиги 25 минги шу ерда яшаб қолди, 17 минг оила - кўчирилганларнинг 40,5 фоизи яна аввал истиқомат қилган жойига қайтишга мажбур бўлди.[5, Б.122] Кўчирилган аҳолини аввал истиқомат қилган жойига

қайтишига маълум бир омиллар сабаб бўлган. Кўчирилган аҳолини кўчиб бориш нафақалари ўз вақтида берилиши тўлиқ таъминланмаган. Шунини ҳисобга олиб кўчирилган аҳолига кўчиб келган жойига ариза билан мурожат қилиши ва ажратилган нафақа почта орқали кўчган фуқарога етказиш механизми Сельхозбанкка юклатилган.[6, Б.5] ЎзССР Минстрлар Совети 1954 йил 30 январда қабул қилинган қарорга кўшимча равишда кўчирилган аҳолига имтиёзлар бериш масаласи илгари сурилади. Ушбу қарорга кўра кўчирилган аҳолига солиқлардан имтиёзлар бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини топширишни 3 йилдан 8 йилгача ўзгартириш каби кўшимча имтиёз ва имкониятлар шакллантирилди.[7, Б.116-117] 1953 йилда кўчириш ишларини бажариш режасини амалга оширишда ЎзССР Минстрлар Советининг 23 та фармонлари ва 8 та телеграммалари чиқарилган. Ушбу фармон, топшириқларни бажариш ишлари яхши олиб борилмаган. Айниқса Фарғона вилояти кўчириш буйруқ, фармонларини бажармаган.[7, Б.74] Фарғона вилоятида аҳолини кўчириш тадбирларини амалга оширишдаги камчиликни юзага келишига районларда инспекторларни етишмаслиги асосий сабаблардан бири бўлган. Анна шу мақсадда 1954 йилда Фарғона вилоятининг Водил, Молотовский, Тошлоқ, Бувайда районларига аҳолини кўчириш тадбирларини амалга оширишда инспектор штатлари ташкил этилади.[6, 18] Аҳолини кўчириш тадбирларини амалга оширишда албатта малакали инспекторлар талаб этилган. Кўчиш ва кўчириш бошқармаси тамонидан қурилиш мактабларида йўналтирилган бир йиллик таълим жорий этилган. 1954 йилда Андижон вилоятига 7 та, Фарғона вилоятига 7 та, Наманган вилоятига 6 та қурилиш мактаби битирувчилари водий вилоятлари туманлари кўчиш ва кўчириш бошқармалари инспектор лавозимларига юборилган.[7, Б.109] Бундан ташқари Фарғона вилоятига аҳолини кўчиришни ташкиллаштириш учун (режани бажариш учун) Молотовский, Водил ва Сўх районларига кўшимча равишда Облсельхоз бошқармасидан 3 та одам юборилади.

Андижон вилоятдан аҳолини кўчириш тадбирларини амалга оширишда 8/ш-1954 йилги йиғилишда районларда инспекторлар етишмаслиги айтилади. Шундан келиб чиқиб Андижон обком комсомолларидан 9 та инспектор жойларга юборилади. Кўчириш режасини бажариш учун бундан ташқари 38 та одам районларга юборилди. 111 та колхозда 1954 йилни ўзида кўчириш тадбирлари амалга оширилди.[8, Б.123]

КПСС МҚнинг 1984 йил октябрь Пленумида "Янги ерларни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалиги истеъмолига киритиш, унинг ҳар гектари самарадорлигини оширишнинг йўл-йўриқлари" белгилаб берилгандан сўнг, Жиззах чўлини ўзлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилди. Шулардан бири бу ерга Андижон вилоятдан янгидан чўлқувар оилаларни кўчириб келтириш бўлди.[9, Б.153] Андижон вилояти "Кўчиш ва кўчириш бошқармаси" тамонидан Мирзачўлга Андижонликларни кўчириш тадбирлари темир йўл орқали амалга оширилган. Кўчириш тадбирларини амалга оширишда кўчириш бошқармаси тамонидан маълум бир меъёрий талаблар илгари сурилган:

-Аҳолини Мирзачўлга кўчиришда ҳар бир хўжалик учун расмийлаштирилган хужжатларни шакллантириш (рўйхат, ариза);

-кўчирилиши режалаштирилган аҳоли сонидан келиб чиқиб озиқ-овқат захираларини ташкил этиш;

-кўчирилиши режалаштирилган аҳолини тиббий-санитар кўригидан ўтказиш ва маълумотнома билан таъминлаш;

-кўчирувчиларга мол-мулки ва уй ҳайвонларини темир йўл станцияларида

вагонларга жойлаштиришда шароитлар яратиш;

-кўчиш тадбирларида жавобгар шахсни бириктириш ва тиббий ходим билан таъминланиши;

-кўчириш бошқармаси тамонидан темир йўл станцияси раҳбарияти билан биргаликда кўчирилиши режалаштирилган аҳолидан келиб чиқиб вагонлар сифимини аниқлаш ва билетлар нархини марказлашган ҳолда белгилаш;

-кўчирувчиларни кетмон, кийим-кечак, пояфзал, уй-рўзғор учун керакли анжомлар (чойнак, челақ ва б.), 100г чой, 1.5 кг шакар, 1кг совун (ҳар бир оилага) билан таъминлаш;

-кўчирувчиларни уй-ҳайвонларини ветеринар кўригидан ўтказиш ва маълумотнома бериш[10, Б.19] каби тадбирлар ташкил этилган. Яна бир жихати шундаки кўчирилиши режалаштирилган аҳолини оилали бўлиши таъкидланган. Чунки оилалиларни Мирзачўлда қўним топиш жихати юқорилиги билан ажралиб турган.

1947 йилда Мирзачўл ва Сирдарё районларига Фарғона водийси районларидан 120 хўжалик кўчирилган. Хусусан Фарғона вилояти Киров районида 7 хўжалик, Боғдод районида 13 хўжалик, Молотовский районида 2 хўжалик, Қўқон ва Фарғона шаҳарларидан 17 хўжалик кўчирилган. Наманган вилояти Чуст, Тўрақўрғон, Поп, Уйчи, Наманган районларидан 66 хўжалик кўчирилган. Андижон вилояти Шаҳрихон, Избоскан, Ленин (Асака), Андижон, Сталин Ворошилов районларидан 16 хўжалик Мирзачўл ва Сирдарё районларига кўчирилган. [11, Б.86-87]

Мирзачўлга Андижонликларни кўчирилишини амалга ошириш биринчи навбатда демографик муаммони ҳал этиш бўлса, яна бир жихати пахтачиликда Андижонликларни тажрибаси юқорилиги ҳисобга олинган. 1949 йилда Ўзбекистон ССР Минстрлар советининг ўринбосари П.А.Кабанов томонидан Андижон Обсполком раҳбари Шодиевга Андижонлик комсомол ва комсамол бўлмаган ёшларни Мирзачўлга ўз ихтиёрлари билан кўчиришни ташкил этиш бўйича топшириқ берилади. Комсомол ва комсамол бўлмаган ёшларни кўчириш Ўзбекистон ССР Минстрлар советининг ЦК КП/б/Уз қарори билан кўчиришга розилик билдирилган.[12, Б.62] Кўчириш тадбирлари Андижон (Андижон шаҳри, Андижон, Хўжаобод, Олтинқўл райони аҳолиси), Асака (Ленин райони аҳолиси), Шаҳрихон (Сталин, Холдонбек райони аҳолиси), Хаққулобод (Балиқчи, Чинобод район аҳолиси), Вайтон (Избоскан район аҳолиси), Мазар (Жалақудуқ район аҳолиси), Тентаксой (Пахтаобод район аҳолиси), Қорасув (Ворошилов район аҳолиси) темир йўл вокзалларидан амалга оширилган.

1949 йилда Андижон областидан Мирзачўлга кўчирилганлар ҳақида маълумот[10, Б.8]

№	Районлар	Хўжалик сони	Аҳоли сони	Мехнатга яроқли	Оила қурмаган	Ком-сомол
1	Андижон шаҳри, Андижон тумани	226	323	275	100	19
2	Олтинқўл	56	128	93	-	7
3	Ленин	66	230	163	-	7
4	Сталин	56	151	112	10	13

5	Чинобод	15	54	36	2	3
6	Холдонбек	28	90	62	-	13
7	Мархамат	42	116	85	2	6
8	Избоскан	50	87	70	32	11
9	Балиқчи	9	32	22	-	1
10	Хўжаобод	69	189	134	5	9
	Жалақудук	65	183	124	10	10
11	Пахтаобод	72	178	137	19	9
12	Ойим	21	43	30	7	8
13	Ворошилов	98	316	192	-	10
	Жами:	873	2120	1535	187	126

Совет давлатининг кўчириш сиёсати таъсирида Мирзачўлни ўзлаштириш ишларига кўплаб оилалар жалб қилинди. Фидоий чўлқуварлардан Фанишер Юнусов Андижон вилоятидан оиласи билан чўлга биринчилар қаторида кўчиб келган. У шўр ерларда пахта етиштириш бўйича катта тажриба орттирди. Узоқ йиллар чўлда меҳнат қилган Ф.Юнусов 300 га дан ортиқ ер очди.[3, Б.99] Яна шундай Андижон фарзанди чўлдаги мўъжазгини савхозни бутун республикага танитган, энг юксак унвон эгаси - Меҳнат қаҳрамони, ўнлаб унвонлар соҳиби Собиржон Сиддиқовдир. Собиржон Сиддиқов Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги Фарғона совхозида йигирма бир йил директорлик қилди. Андижон вилоятининг Балиқчи туманидан айнан Фарғона, Андижон ва Чинобод совхозларига Собиржон Сиддиқов раҳбарлиги даврида юзлаб оилалар кўчиб бордилар. 1982 йил ҳали ташкил этилмаган Чинобод совхозига Собиржон Сиддиқов томонидан директор қилиб тайинланган Андижонлик Аҳмадали Ёқубов 1995 йилгача шу совхони директори бўлиб ишлади. 1982 йилда Оқолтин тумани қишлоқ хўжалик бошқармалари деҳқончилик-саноат бирлашмаларига айлантирилди. Тумандаги бир нечта камқувват хўжаликлар Собиржон Сиддиқовнинг ташаббуси билан Фарғона совхозига атрофига бирлаштирилиб, Оқолтин агросаноат бирлашмаси вуждга келтирилди. Тумандаги Усмон Юсупов номли йирик совхоз кўп йиллар давомида режани бажармаганлиги учун Оқолтин агросаноат бирлашмасига киритилди. Бу хўжаликка Авазбек Толипов директор этиб тайинланди. Бундан ташқари Андижонлик чўлқуварлардан 1982 йилда Фаллакор совхозига Икромжон Чумаков, Чорвадор хўжалигига Йигитали Шокиров, Парвоз совхозига Фарход Абдураҳмонов, пахта заводига Абдуқодир Ғофуров, автохўжаликка Равшан Зулфиев, бош инжинерликка Мадаминжон Саттаров, Фарғона совхозига Комилжон Умаровлар раҳбар этиб тайинланди. 1982 йилнинг ўзидаёқ Собиржон Сиддиқов Оқолтин агросаноат бирлашмаси бўйича 28 минг тонна пахта етиштирди. Жумладан, Фарғона совхозининг ўзи 13 минг тонна пахта етиштирди. Собиржон Сиддиқов чўлда халқимизни фаровон ҳаёт кечирishi, иш билан таъминланиши учун фидокорона меҳнат қилди. 1987 йилда вафот этди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Фарғона совхозига Собиржон Сиддиқов номи берилиб совхозда буюсти ўртилди.

4. Хулосалар:

Хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

- Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги ўрнатилиши, пахта майдонларини кенгайтиришни талаб қилган. Натижада янги ерлар хўжалик муомаласига киритилган. Мирзачўлни ўзлаштирилиши, ушбу ҳудудга аҳолининг кўчирилиши

яна шу жараёнлар билан боғлиқ бўлган;

- Фарғона водийси деҳқонларининг пахтачилик ишига омилкорлиги, шунингдек, бу ерда дермографик вазиятнинг кескинлиги туфайли айнан Фарғона водийсидан Мирзачўлга кўпроқ аҳоли кўчирилди. Кўчирилганларнинг янги ерларга адаптацияси мураккабликлар билан кечди. Мирзачўлни ўзлаштиришга водийликларнинг кўшган улуши баланд бўлди;

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Шамсутдинов Р. ва бошқ. Ватан тарихи (Учинчи китоб) -Т.: "Шарқ", 2010.-387-б.(Shamsutdinov R. et al. History of the Motherland (Third book) -Т.: "Sharq", 2010.-387 p.)
2. <https://sharafrashidov.org/partiya/faoliyat.html> (<https://sharafrashidov.org/party/activity.html>)
3. Аширбоева З.К. XIX аср охири - XX аср ўрталарида Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши: Тарих фан. номз...дисс.-Тошкент, 2008. (Ashirboeva Z.K. The development of Mirzachul at the end of the 19th - the middle of the 20th century: History scientist... diss.-Tashkent, 2008.)
4. Батирова Б.Н. Ўзбекистонда советларнинг аҳолини кўчириш сиёсати, Андижон: Step by step print, 2019. (Batirova B.N. Soviet Resettlement Policy in Uzbekistan, Andijan: Step by step print, 2019.)
5. Xushvaqtoev H. Mirzacho'l qanday o'zlashtirilgan? // Tafakkur.-Toshkent, 2012. (Khushvaqtoev H. How was Mirzachoul developed? // Tafakkur.-Tashkent, 2012.)
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА), Р.2347-фонд, 1-рўйхат, 9-иш.(Central State Archives of the Republic of Uzbekistan fund-2347, list-1, case-9)
7. ЎзР МДА, Р.2347-фонд, 1-рўйхат, 10-иш. (Central State Archives of the Republic of Uzbekistan fund-2347, list-1, case-10)
8. ЎзР МДА, Р.2347-фонд, 1-рўйхат, 7-иш. (Central State Archives of the Republic of Uzbekistan 2347-fund, list-1, case-7)
9. Комилов О. К. Ўзбекистонда ирригация тизими ривожланиши ва унинг оқибатлари (1951-1990 йй.): Тарих фан. докт. ... дисс.-Тошкент, 2017 (Komilov O. K. Development of irrigation system in Uzbekistan and its consequences (1951-1990): History science doc. ... diss.-Tashkent, 2017.).
10. Андижон вилоят давлат архиви (АВДА), 608-фонд, 1-рўйхат, 359-иш. (Andizhan Regional State Archive (ARSA), Fund-608, List -1, case-359).
11. ЎзР МДА, Р.314-фонд, 7-рўйхат, 10-иш (Central State Archives of the Republic of Uzbekistan fund-314, list-7, case-10).
12. АВДА, 608-фонд, 1-рўйхат, 355-иш. (ARSA, Fund-608, List-1, case-355).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000